



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ҚОНУН БИЛАН ҲИМОЯЛАНАДИ



Ўзбекистон аҳолисининг 40 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар, 64 фоизини эса, 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлلامли ислохотларда ёш авлоднинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас.

Парламент қўйи палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ҳуқуқий кафолатлари: амалиёт, муаммо ва истиқболдаги режалар» мавзусида ўтказилган давра суҳбатидан ота-она қарамоғидан маҳрум ҳамда етим болаларни ижтимоий ҳимоя

қилишга оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Тадбирда ота-она қарамоғидан маҳрум ва етим болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим олиши, соғлигини муҳофазалаш, ҳаётга мослашиши бўйича қонунчилик тарқоқ ҳолатда, яъни

бир неча қонунларда акс эттирилганлиги таъкидланди. Бундай болаларни ҳимоя қилиш борасида алоҳида яхлит қонун қабул қилинмаган. Шу боис, айрим ҳолатларда уларнинг таълим олиш, меҳнат қилиш, ҳатто уй-жойга эга бўлиш ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари учрамоқда.

Депутатларнинг ўрганишлари чоғида, масалан, Тошкент шаҳрида 2016-2017 йиллар давомида уй-жойга муҳтож бўлган 118 та етим боланинг аризаси рўйхатга олингани, улардан 50 таси бугунги кунга қадар ҳам ҳал этилмагани аниқланган. Айрим ҳудудларда бундай болаларга ажратиладиган уйларнинг аҳоли-яхши эмаслиги, эски ва нураб

кетгани, кўп қаватли уйлардаги хонадонларнинг коммунал тизими носозлиги, яшаш шароити яратилмагани, шу жумладан, ижарага берилганларининг шартнома муддатлари тугаши билан чиқариб юборилиши, хусусийлаштириш мумкин эмаслиги қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Бундай ҳолатларга Тошкент шаҳрида, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Наманган вилоятларида дуч келинган.

Айни муаммолардан келиб чиқиб, давра суҳбатидан бола ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида қўмита томонидан Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва етим болаларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Қонун лойиҳасида ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва етим болаларнинг алоҳида ҳуқуқлари кафолатлаштирилиши белгилаш, уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши, соғлигини тақлиши, уй-жой билан таъминланиши ва бошқа ижтимоий ҳизматлардан фойдаланишига оид нормалар қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Энг муҳими, қонун лойиҳасида бундай болаларни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалашда юридик хизмат ва суд ҳимояси каби тушунчалар киритилиб, янги механизмлар жорий қилиш тақлиб этилмоқда.

Тадбирда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор тақлифлар илгари сурилди ҳамда уни янада такомиллаштиришга оид тавсиялар қабул қилинди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

АЗИЗ ВА ЯҒОНАМСАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Муслихиддин
МУХИДДИНОВ,
Самарқанд давлат
университети
профессори,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган
ёшлар мураббийси.

БАХТЛИ ҲАЁТ СТРАТЕГИЯСИ

Одамлар орзу қилаётган фаровон Ҳаёт ва бахтли ҳаёт тўғрисида нималарни биламиз? Одатда бахтли ҳаёт деганда, инсоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжлари тўлиқ қондирилганлик ҳолатини тушунамиз. Бу тамойиллар, албатта, инсон бахтлилиги учун муҳим аҳамиятга эга, лекин инсон бахтлилигининг бошқа бундан-да муҳим шартлари ҳам бор ва бу қўрқувсиз эркин яшаш ҳиссининг мавжудлигидир. Шунинг учун бахтга қўйиладиган таъриф берилган, **бахт — бу қўрқувсиз эркин яшаш ҳисси таъминланган ҳолда моддий ва маънавий эҳтиёжларнинг қондирилишидир.**

«Ўзбекистон 24» телеканали орқали 24 июль кунги кенчи пайт намоийш этилган «Жаноб Президент» номли ҳужжатли фильм қўлимга қалам олишга ундади. Фильм халқ ишончи, эътибори, бахт-саодат йўлида ўзини бағишлаган миллат фидойисининг ҳаёти ва иш фаолиятини баъзи бир қирраларни ўзида мужассамлаштирган. Мазкур телеасарнинг ҳулосасида Шавкат Мирзиёевнинг «**Халқим бахтли бўлса, мен ўзимни бахтли, деб биламан**», деган сўзлари ўрин олган. Мен ушбу мўтабар мақсадни, ниятни эшитганимда, ҳаётнинг оғир-енглини кўрган, инсон сифатида кўнглимдан шундай ўйлар ўтди.

Одамзод ижтимоий онг шаклланиш пайтидан бошлаб бахтли яшайдиган фаровон Ҳаётнинг орзу қилган. Бундай Ҳаётни қуришда давлатга, давлат раҳбарига ишонган, суянган. Давлат фуқаролар орзусини ифода этадиган, амалга оширадиган механизм вазифасини ўтаган.

Лекин биз йиллар давомида бахтли ҳаёт келажақда бўлади деган тушунчага кўникиб яшаганмиз. Бундай қарашларни танқидий таҳлил қилган Президент Шавкат Мирзиёев одамлар келажақда эмас, бугун бахтли бўлиши керак, деган ғояни илгари сурмоқда.

Бахтли ҳаётга эришиш учун нима қилиш керак? Инсон бахтли бўлиши учун қандай тамойилларга амал қилмоғи керак. Қандай таҳдидлардан ўзини ҳимоя этиши керак? Бу каби саволларга яқинда Самарқанд давлат университети маъмурияти ташаббуси билан профессор Фарҳод Набиев томонидан яратилган «Бахтли ҳаёт шароитлари» номли монографиядан жавоб бўлади.

Ўзбекистон бугун одамларни бахтли қилишнинг энг мақбул шакли сифатида тан олинган демократик тараққиёт йўлидан бормоқда. Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг асосий мақсади ҳам халқимизни том маънода бахтли қилиш эканлигини алоҳида таъкидлашни истайман.

Инсоннинг бахтлилиги уни ўзига боғлиқ бўлган шахсий омиллarga ва унга боғлиқ бўлмаган, уни ўраб турган объектив дунёга, яъни табиат ва Ҳаётдаги табиий ва ижтимоий омиллarga ҳам боғлиқ бўлади. Шахсий омиллари инсоннинг жисмонан соғлом, ақдан етук ва маънан юксак бўлиб шаклланишига хизмат қиладиган соғлом турмуш тарзи бўлса, табиий омиллари бизни ўраб

турган ва яшаётган шароитининг қулай ёки ноқулайлигидир. Ижтимоий омил биз яшаётган Ҳаётдаги муҳитнинг соғлом-ёки носогломлигидир. Инсон том маънода бахтли бўлиши учун ҳар уччала омил ҳам шаклланиши бўлиши лозим. Лекин инсоният бахтли бўлиши учун фақат табиий омилнинг ўзи етарли эмас, бунинг учун қулай ижтимоий омил, яъни барқарор фуқаролик Ҳаёти ҳам бўлиши лозим. **Бу мустақиллик, тинчлик ва адолат қарор топган муҳитдан иборатдир.** Мамлакатимизда мустақиллик ва тинчлик таъминланган бўлиб, фақат учинчи омилни таъминлаш масаласи устувор вазифаларимиздан биридир.

Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири бўлган «Давлат ва Ҳаёт қурилишини такомиллаштириш» йўналиши бахтли ҳаётни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга, чунки ушбу йўналишда асосий эътибор халқ манфаатини ифодалайдиган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини шакллантиришга қаратилган. Бундай ҳокимиятнинг барпо этилиши Ҳаракатлар стратегиясининг бошқа барча устувор йўналишларини амалга оширишга шароит яратди. Чунки қонун устуворлигини таъминлаш иқтисодий тараққиётга эришиш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, ҳавфсизлиқни таъминлаш ҳам адолатли ижтимоий тартибнинг ўрнатилганлигига боғлиқ.

Ҳаракатлар стратегиясининг пировард мақсади аҳолининг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш асосида уларнинг ҳаётини бахтли қилиш ҳисобланади. Ҳаракатлар стратегиясининг биринчи, иккинчи ва бешинчи устувор йўналишлари бахтли ҳаётнинг муҳим шартлари бўлган қўрқувсиз эркин яшаш ҳиссини шакллантиришга хизмат қиладди. Стратегиянинг учинчи ва тўртинчи устувор йўналишлари одамларнинг иқтисодий ва ижтимоий-маданий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Ҳаракатлар стратегияси моҳиятида мамлакатда ижтимоий адолатни таъминлаш ва фуқароларнинг хилма-хил эҳтиёжларини қондириш орқали уларнинг ҳаётини янада фаровон қилиш масаласи мужассамлашган.

Мухтасар айтганда, Ҳаракатлар стратегиясининг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда инсон бахтлилигининг асосий шартларидан ҳисобланган адолатли ижтимоий тартибнинг барқарорлиги муҳим аҳамият касб этади.

ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ГУВОҲ БЎЛДИМ

2018 йил 15-17 май кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга расмий ташрифини дунё етакчи ОАВ қаторида «Америка овози» телерадиоси журналистлари, хусусан, Навбахор Имомова ҳам фаол ёритганидан хабаримиз бор. Ўзбекистонда аккредитациядан ўтган журналист Навбахор Имомова яқинда юртимизда бир неча кун бўлиб, ўзгариш ва янгиланишлар билан танишди. У АҚШга қайтиш олдида таҳририятимиз меҳмони бўлди.

4

ПАРЛАМЕНТ АЪЗОСИ МИНБАРИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?..

Аввало, тупроқ бонтировкасини амалга ошириш зарур. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда тупроқнинг балл бонитетидан келиб чиқиб ҳосилдорлик белгиланади. Бирок Қорақалпоғистоннинг кўпчилиги туманларида тупроқнинг ҳосилдорлиги яқин ўн йил давомида текширилмаган.



2

ЎЗБЕКИСТОН-ҲИНДИСТОН МАЪРИФИЙ АЛОҚАЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Жорий йилнинг 14-16 июль кунлари Ҳиндистон Ислом маданияти маркази президенти С.Қурайши Ўзбекистонга ташриф буюрди. Мазкур сафар Ўзбекистоннинг Деҳлидаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.


Ташриф чоғида Ҳиндистон Ислом маданияти маркази билан Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази ҳамда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида меморандумлар имзоланди.

Ҳужжатларда ўзаро манфаатли илмий, маданий ва маърифий соҳалардаги алоқаларни йўлга қўйиш, хусусан, конференция, симпозиум ва семинарлар ташкил этиш, тадқиқотлар ўтказиш, мутахассислар ва тажриба алмашинуви ҳамда зиёрат

туризми дастурларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Ҳиндистонлик меҳмон ташриф давомида Ўзбекистон мусулмонлари идорасида ва Ислом цивилизацияси маркази раҳбарияти билан учрашувлар ўтказди, шунингдек, Тошкентда Ҳазрати Имом, Самарқандда Имом Бухорий мажмуаларини зиёрат қилди.

«Дунё» АА
Деҳли.



Илм-фанни ривожлантиришга катта эътибор қаратиладигани туфайли кейинги бир йилда Президентнинг соҳага доир 11 фармон ва қарори қабул қилинди.

Илмий ишланмаларнинг амалиётга татбиқ этилишини қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион доллар грант ажратилиши, илмий-тадқиқот институтлари ходимларининг ойлик маошлари бир неча баробар оширилиши кўзда тутилмоқда.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?..

Мураккаб об-ҳаво шароитида қўтилган ҳосилга эга бўлиш учун экинларни тўғри парвариш, сўғориш ва уларга ишлов бериш бўйича қатор чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Уларга нафақат соҳа ходимлари ва мутахассислар, балки жамоатчилик ҳамда депутатлик бирлашмалари вакиллари ҳам жалб этилган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Салаватдин Худайбергенов Қорақалпоғистон Республикасида депутатлик назорати гуруҳида ишламоқда. Депутат билан ҳудуддаги ҳолат ҳақида гаплашганимизда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Ўрганилаётган муаммолар ва уларнинг ҳал қилиш масалалари бўйича таклифларини билдирди.



иккиламчи шўрланиш юз бериб, ниҳол ўстириш ва ҳосил олишга салбий таъсир кўрсатади. Қорақалпоғистонда қиш кўпинча қорсиз кучли совуқ, ёз эса кучли қуруқ иссиқ бўлади. Юқоридагиларни инобатга олиб, айрим таклифларни илгари сурмоқчиман. Аввало, тупроқ бонтировкасини амалга ошириш зарур. Чунки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда тупроқнинг балл бонитетидан келиб чиқиб ҳосилдорлик белгиланади. Бироқ Қорақалпоғистоннинг кўпчилиги туманларида тупроқнинг ҳосилдорлиги яқин ўн йил давомида текширилмаган.

Худудда тупроқ ва иқлим шароитларига мос навлар яратиш, шунингдек, маҳаллий навларни яратиш, уруғчиликни ташкил этиш бўйича илмий асосланган тавсияларни, илмий изланишларни амалга ошириш мақсадида Чимбой туманидаги Қорақалпоқ деҳқончилик илмий тадқиқот институтининг моддий-техник базасини мустақамлаш, қишлоқ хўжалиги техникалари, замонавий лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминлаш лозим.

Шу билан бирга, яхши ҳосилдорликка эришиш ҳамда сувдан тежамкорлик билан фойдаланиш учун ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этилади. Лазерли ер текислаш ёрдамида ишлов берилган майдонларда тўлиқ ва

текис кўчат етиштириш, сувни иқтисод қилиш, тупроқ эрозиясининг олдини олиш, агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш имкони ортади. Коллектор ва дренажларни таъмирлаш ва тозалаш натижасида ер ости сизот сувларининг пасайиши, кучли шўрланган ерлар иккиламчи шўрланишининг олдини олишга эришилади.

Қишлоқ хўжалигида ғўза парвариши, такрорий экинлар ва сувдан оқилонга фойдаланиш каби тадбирларга катта эътибор қаратилмоқда.

Будан ташқари, тупроқ унумдорлигини ошириш мақсадида худудимизда мавжуд бўлган кам маблағ талаб қиладиган, табиий глауконит, бентонит тупроқларини қайта ишлашни йўлга қўйиш учун Қорақалпоғистон Фанлар академиясининг моддий-техник базасини мустақамлаш, бунинг учун эса маблағ ажратилиши керак, деб ўйлайман. Тупроқ, иқлим шаро-

итидан келиб чиқиб, пахта, беда, маккажўхори экинларини 1:3:6 усулида алмашлаб экишни йўлга қўйиш лозим. Ер унумдорлиги ва гумус миқдорини ошириб, экин майдони балл бонитетини кўтариш мақсадида органик сидерат экинларни экиш яхши самара беради.

Президентимизнинг 2016 йил 24 октябрдаги ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрохимёвий хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалигини минерал ўғитлар билан таъминлаш вазифаси «Ўзагро-кимёхимоя» АЖ тизимидаги худудий «Агрокимёхимоя» акциядорлик жамиятлари зиммасига юклатилган. Бунда қишлоқ хўжалигига етказиб бериладиган минерал ўғитларни лаборатория таҳлилларидан ўтказиб, уларнинг сифатига оид ҳулосалар асосида етказиб бериш муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги экинларига етказиб берилаётган барча турдаги минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш зарур. Сарф-харажатларни

камайтириш мақсадида худудий «Агрокимёстанция»лари тупроқдан намуналар олиш ва таҳлиллар асосида ўғит ажратишни йўлга қўйиш талаб этилади.

Амударё туманида кейинги йилларда Амударё дарёсидаги сув ўзани ўнг қирғоққа ўтиб кетиши сабабли, худуднинг 13000 гектар майдони ва Мангит шаҳри аҳолисини сув билан таъминловчи Шихжа-

мол ҳамда НАЭ-156, НАЭ-117, Ерланатау насос станциялари таъминотида жиддий муаммолар юзага келмоқда. Сув таъминотини яхшилаш учун Амударёга сув чиқариш қобилияти 10,0 м³/сек бўлган насос станцияси қуриш ва сув ўтказиш қобилияти 6,0 м³/сек бўлган 8,1 км узунликда янги канал қазिश зарур.

Насос станцияси қуриш ва янгидан канал қазиш ишлари амалга оширилса, Туямўйин сув омборидан 150-200 м³/сек сув ташланганда, Амударёдан обиҳаёт олиш имконияти туғилади. Шихжамол каналига қўшимча сув берилади ҳамда бошқа насос станцияларини ишлатишга эҳтиёж қолмайди. Эксплуатация харажатлари камайишига эришилади.

Чимбой тумани худудига жойлашган «Май жап» канали тумандаги 4 та хўжаликни, жумладан, «Қизил-озек», «Май жап», «П.Сейтов» ва «Камис-ариқ» массивларидаги экин майдонларини сув билан таъминлайди. Канал узунлиги 30 км бўлиб, сув ўтказиш миқдори 50 м³/сек ни ташкил қилади. Ушбу каналнинг сув билан таъминлайдиган жами майдони 20522 гектар бўлиб, шундан пахта 1489 гектар, бугдой 3800 гектарни, томорқа ер майдонлари 1120 гектар ва бошқа турдаги экинлар 14113 гектарни ташкил қилади.

2013 йил Давлат дастури асосида 1-босқичда каналнинг 10 километр узунлигидаги оралиги реконструкция қилинган. Қолган қисми, яъни 20 км оралиғидаги ишлар эса йилдан-йилга қолдирилиши оқибатида 10 километр жой ҳам кўмилиб, эски аҳволга қайтмоқда. Канал охирида жойлашган экин майдонлари, аҳолининг томорқа ерларини сув билан таъминлаш муаммога айланган.

Шунингдек, Чимбой тумани «Камис-ариқ» ОФЙ худудидagi «Жана-жап» ва «Камис-ариқ» каналларининг бошига 2 дона насос станцияси қурилиши, қишлоқ хўжалигига яхши самара беради. Ҳосилдорлик ҳажми ортиб, аҳоли фаровонлигига ҳисса қўшилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА ёзиб олди.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАДИ

Тошкент шаҳри Юнусобод тумани 15 мавзеда истиқомат қилаётган Махамат Халил Сағатов Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашига мурожаат қилган эди.



— Яқинда 70 ёшга тўламан, — дейди отахон. — Рафиқам билан тўрт фарзандни вояга етказдик. Уч қизимни узатганман. Кенжамни уйлантиришимиз керак. Ўғлим ҳозир савдо илмини ўрганипти. Турмуш ўртоғим билан нафақаданмиш. Нафақамиз рўзгор ва коммунал тўловлардан ортмаяпти. Уйимиз таъмирталаб бўлиб қолган. Таъмирлаш ишларини кейинга сурайлик, десак, электр симларида қиска туташувлар бўлди. Шахта ҳамда уй ичидаги қувурлар носозлиги боис, қўшниларникига сув тошяпти. Шу боисдан ёрдам сўраб, Халқ демократик партиясига мурожаат қилдик. Барака топишсин, ўн кунга бормай, мурожаатимга ижобий мазмундаги жавоб хати олдим. Ростки, муаммо бунчалик тез ҳал бўлади, деб ўйламагандим.

— Махамат Халил Сағатов партиямизга мурожаат қилганини билган заҳотиимиз вазиятни ўрганиш учун уйларига ошдиким, — деди ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партиямиз гуруҳи аъзоси Нигора Эшметова. — Келиб, ҳақиқий аҳволни ўргандик. Ота-хон билан узоқ суҳбат қурдик. Улар чамаси қирқ йил олдин бу уйга кўчиб келганини, шундан бери тайинли таъмирлаш ишлари олиб борилмаганини айтди. Бугунги кунга қадар хонадондаги электр симлари алмаштирилди. Ҳозир пардозлаш ишлари бошланган. Энди қувурларга навбат.

Махамат Халил ота биз билан суҳбатда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан миннатдор эканини билдирди.

Ўз мухбири.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

ОДАМ САВДОСИ — МУДҲИШ ИЛЛАТ

Ҳар йили дунё миқёсида 4,5 миллиондан ортиқ инсон одам савдосидан азият чекади. Ачинарлиси, уларнинг 1,2 миллиондан кўпроғи болалардир. Юқоридаги рақамлар одам савдосига қарши курашиш қанчалик долзарб вазифа эканини англатади.



Худудий партия кенгашлари одам савдосига қарши курашишда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик масалаларига бағишлаб давра суҳбати ўтказмоқда.

Тошкент вилояти ва Бекобод шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда шаҳар ички ишлар бўлими вакили Нодир Хўжамов мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

— Таълим муассасаларида, маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ишларини қўлайтириш, энг муҳими, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга эришиш лозим, — дейди у. — Битирувчи ёшларнинг бандлигини таъминлаш, доимий даромад манбаини яратиш билан боғлиқ масалалар ҳаммаимизнинг эътиборимизда бўлиши керак. Шундагина пул топиш илинжида турли йўللار билан хорижга кетиб, алданиб қолаётганлар сони камайиши мумкин.

Шунингдек, чет элга ишлаш учун кетаётган фуқарога ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунириш, алданиб қолганларида қаерга мурожаат этишлари тўғрисидаги ахборотни етказиш зарур. Бу борада тарғибот тадбирларидан самарали фойдаланиш лозим, деб ўйлайман.

ЎзХДП Ўрта Чирчиқ туман кенгаши ҳам шу масалага бағишлаб тадбир ўтказди. Унда иштирокчиларга одам савдосининг салбий оқибатлари ҳаётини мисоллар асосида кўрсатилди.

— Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш борасида ўзига хос тизим яратилган, — деди Ўзбекистон ХДП Ўрта Чирчиқ туман кенгаши ижрочи котиби Гулшода Абилова. — Бу иллатнинг олдини олиш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки барчамизнинг вазифамиз ҳисобланади.

Ўз мухбиримиз.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

КАМЧИЛИКЛАРГА ЕЧИМ ТОПИЛЯПТИМИ?



қурилиш банк» вилоят бошқармасида фаолият кўрсатаётган қуйи бўғинларнинг кенгашлар билан алоқани узгани ёки фаолияти бугунги кун талабига жавоб бермаслиги аниқланди. Айрим бошланғич ташкилотларда эса ҳужжат юритиш ишларида нуқсонлар кўзга ташланди.

Қиска даврда 2 минг 300 га яқин аъзо қайта рўйхатдан ўтказилиб, йигирмага яқин муассасада давра суҳбати ташкил қилдик. Вилоят сил касалликлари шифохонаси, 5-сонли оилавий поликлиникада бошланғич партия ташкилоти тузилди. Мазкур жамоаларда меҳнат қилаётган 65 нафар кишининг сафларимизга қўшилганидан хурсандмиз. Йил охиригача яна ўнга яқин ташкилот шакллантириб, 120 нафар йигит-қизни аъзоликка қабул қилиш кўзда тутилган.

Шунда аъзоларимиз сони 2 минг 400 нафардан ошди...

— Тўғриси айтганда, сиёсий партиялар фаолиятида камчиликлар бор, — дейди Термиз шаҳридаги 5-сонли оилавий поликлиника бош шифокори, бошланғич партия ташкилот етакчиси Зилола Эшонқулова. — Шифо масканимиз 2014 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаяпти. Жамоамизда 68 нафар саломатлик посбонлари меҳнат қиладди. «Аму соҳили», «Паттакесар», «Мажнунтол», «Жўйжангал» маҳаллаларининг 21 минг 100 нафардан ортиқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатамиз. Ўтган даврда бирор-бир партия мутасаддиси ёки фаоли биз билан учрашгани йўқ. Давра суҳбати ёки партиявий йўналишда тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилмаган.

Ўзбекистон ХДП Термиз шаҳар кенгаши мутасаддиларидан, тўғриси, хурсанд бўлдик. Самимий ва ошқора руҳда кечган мулоқотда муаммоларни бартараф қилиш чора-тадбирлари белгиланди. Ўн беш нафар саломатлик посбони Ўзбекистон ХДП аъзолигига қабул қилинди. Келажакда уларнинг сони янада кўпайишига ишонаман...

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг фаол иштирокчиси бўлишимиз керак, — дейди халқ депутатлари Термиз шаҳар кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Ҳикмат Файзуллаев. — Аммо бу борада кўзланган мақсадга эришилгани йўқ. Бунинг асосий сабабларидан бири аксарият бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг тўғри йўлга қўйилмаганида, деб ўйлайман. Айрим маҳсулотларда локал ва бекарлик кўпайиши, ишни ўз ҳолига ташлаб қўйган етакчилар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Таънч ва суянчимиз бўлган бўғин фаолиятини янада яхшилаш учун аввало унинг моддий-техник базасини мустақамлаш керак, деб ҳисоблайман. Иккинчидан, БПТларни турли адабиёт ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш ҳам чекитириб бўлмас вазифалардан биридир. Шу билан бир қаторда, намунали бошланғич партия ташкилотларини моддий қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни йўлга қўйишни тақлиф қилган бўлардим. Ана шунда қуйи бўғин кучаяди, тўпланиб қолган долзарб масалаларга ижобий ечим топилади.

Абдумалик ХАЙДАРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ЎЗГАРИШЛАРГА ГУВОҲ БЎЛДИМ



Навбахор ИМОМОВА,
«Америка овози»
телерадиоси мухбири:

— Ўзбекистонга келишдан олдин қаерларда бўлиш, кимлар билан учрашиш, қайсида масалани ўрганиш бўйича режаларингиз бўлган, албатта. Қарийб бир ой Ўзбекистонда бўлдингиз. Режалар амалга ошдими? Таассуротлар қандай?

— Кўп одамлар билан учрашдим, қатор тадбирларда қатнашдим. Мени ҳайратга солган нарсаси, албатта, Ўзбекистондаги бугунги ўзгаришлар бўлди. Аввал бу ислохотлар ҳақида эшитганман, аммо энди ўз кўзим билан кўрдим, гувоҳи бўлдим. Ўзгаришлар нимада? Бу одамларнинг руҳияти баландлигида, бугунги ислохотларга ишончи баландлигида. Одамларда ҳаётга бўлган иштиёқ юқориликда. Ўзбекистон Президентининг 2018 йил 15 май кўни АҚШга ташрифи чоғида билдирган фикрлари,

режалари, таклифлари кўпчиликтида катта қизиқиш уйғотди. Бу ташриф АҚШдаги оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Бундан жуда хурсанд бўлдим, албатта. Шундан сўнг менда Ўзбекистонга келиш фикри туғилди. Очигини айтсам, Ўзбекистондаги бугунги ҳақиқатни билмоқчи эдим.

Мухим ўзгаришлардан бири шундаки, аҳоли давлат идоралари фаолиятини хабардор, танқидий-таҳлилий қарашларга эга.

— Биласиз, аввал одамлар раҳбарлар қабулига кириш учун уларнинг эшиги остонасида қўнлаб, ҳафталаб қўтиб, овоза бўлишарди. Ҳозир раҳбарлар одамларнинг уйларида бориб, муаммоларини ўрганмоқда ва кўнлаб масалалар жойида ҳал этилмоқда. Халқ давлат идораларида эмас, балки давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак, деган ғояга АҚШда ёки Европада қандай қаралади?

— Давлат халқники, халқ томонидан бошқарилади ва халқ учун хизмат қилади, деган широр аслида демократиянинг широридир. АҚШда ҳам халқ сайлайди, халқ талаб қилади ва халққа хизмат қилишнинг керак, деган ғоя илгари сурилган. Қувонарли томони шундаки, бугун Ўзбекистонда одамлар ўзгаришларни ҳукумат қилади деб эмас, ўзгаришлар бўлиши учун мен нима қилишим керак, деб фикр юритмоқда.

— Яқинда газетамизда эълон қилинган мақоланингизда Ўзбекистон билан АҚШ муносабатлари ривожланиши эркинлик, ошқоралик ва адолат таъминоти мустақамлаштириш талаб этиди, дегансиз. Сиз Ўзбекистонда бўлиб, бугунги демократик жараёнлар ҳақида қандай фикрлар келдингиз?

— Ўзбекистондаги бугунги жараёнларда сиёсат, иқтисодий-иқтисодий ислохотлар, инсон ҳуқуқлари ҳимояси оширилиши, конституцион ҳуқуқларнинг таъминланиши мавзуларида одамлар билан бемалол суҳбатлашиш мумкин. Илгари Ўзбекистон ОАВ вакиллари билан ҳам бемалол гаплаша олмадик, улар ўзларини биздан олиб қочишга ҳаракат қилишарди. Ҳозир эса келинг, кўринг ва ўрганинг, қилаётган ишларимиз ва режаларимиз ҳақида бемалол маълумот берамиз ва сиз билан суҳбатлашамиз дейишмоқда.

— Ўзбекистонга келганингиздан бундан олдинги ахборот воситалари фаолияти билан ҳам танишдингиз, кўнлаб ҳаммасиларимиз билан суҳбатлашдингиз. Қандай ўзгаришларни кузатдингиз, сездингиз?

— Биринчи навбатда ахборот майдони кенгайган ва ўзига хос ахборот бозори шаклланиши бошланган. Бу бозорда энг қизиқ ва ҳаридориги махсулот ўзбек тилидаги мақолалардир. Чунки узоқ муддат давомида ўзбек тилидаги наслардан реал ҳаётни акс эттирадиган мақола топилиши жуда қийин эди. Ўзбекистон ҳақидаги жараёнларни асосан рус ёки инглиз тилидаги ахборот воситаларидан топа олардик. Илгари сиёсат мавзусидаги маълумотларни интернет орқали қидирганда, асосан Президент фармонлари, қарорлари ва уларнинг шарҳларини топардик. Ҳозир эса сиёсий жабҳада бўладими ёки бошқам, ўзбек тилидаги мақолаларда жамоатчилик фикрини кўриш мумкин. Турли масалалар муҳокама қилинаётгани ва уларга фуқаролар ўз муносабатини бемалол билдираётганини кўриш мумкин. Журналистлар ҳам очик мулоқотга киришган, маълумот берувчи манбалар эса аввалгига нисбатан анча кўпайган.

— Ҳамкасб сифатида яна бир масалада фикрингизни билмоқчи эдик. Ўзбекистондаги демократик жараёнларнинг ҳозирги босқичида, ислохотларнинг бугунги шиддатли даврида журналистдан нима талаб этилади, деб ўйлайсиз?

— Журналист аввало воқеанинг аҳамиятини тушуна олиши керак. Бунинг учун эса, албатта, ҳар томонлама билимли бўлиши мумкин, деб ўйлайман. Ўзгариш — бу динамика ва шу динамикадаги турли нуқталарни аниқлай олиш керак. Ҳар бир ўзгариш ортда ким ва қандай мақсад турибди, ўша муҳитни ким бошқаряпти, деган саволларга жавоб ола билиш керак. Яъни, биз бир нарсанинг ҳамма нарсасини, ҳамма нарсанинг бир нарсасини билишимиз керак.

Ўзгаришлар нимада? Бу одамларнинг руҳияти баландлигида, бугунги ислохотларга ишончи баландлигида. Одамларда ҳаётга бўлган иштиёқ юқориликда.

Ҳозирги давр журналистикасида технология жуда ҳам муҳим деб ҳисоблайман. Журналистлар техник кўникмага эга бўлиши ва интернет тармоқларидаги воқеа-ҳодисаларни ҳамда жараёнларни билиб бориши ва ўзи ҳам ижтимоий тармоқларда фаол иштирок этиши керак. Сабби, бўлаётган жараёнларни рақамли технология орқали тарқатиш имконияти кенгроқ.

Бироқ назаримда, журналистлар бунга унчалик шошилишмаяпти. Улар ҳозир ижтимоий тармоқда фаол эмас. Мақолалар кенг оммага етиб бориши учун глобал тармоқда чиқишим керак, деган интилиш кам.

Иккинчидан, журналистлар орасида ҳамжиҳатлик бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Бу дегани бирор-бир журналистнинг танқидий ёки муҳим аҳамиятга эга бўлган мақоласи чиқса, уни кенг оммага тарқалишига ёрдамлаши зарур. Ҳозирда журналистларимиз орасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш етишмаётганга ўхшайди.

Этиборимни тортган яна бир масала — бу матбуот ва оммавий ахборот воситаларида танқид қўлайганлиги. Танқид аслида кимнидир қоралаш мақсадида бўлмаслиги керак. Танқид ҳолис, асосли ва маданиятли бўлиши керак. Танқиднинг жамиятга фойда ёки зиёнини ўйлаб, сўнг ёритиш керак, деб ўйлайман. Танқидда асосий этиборини мавзуга қарата олиш муҳимдир.

— Хуллас, Ўзбекистонда кўрган-билганларингиз ҳақида бир сўз билан нима дея оласиз?


— Бир сўз билан айтиш қийин. Ўйлаш, таҳлил қилиб, маълум бир хулосаларга келиш мумкин. Бу ҳақда «Америка овози»да батафсил ёритишга ҳаракат қиламан.

Сафар ОСТОНОВ
суҳбатлашди.

СПОРТ

«KOREA OPEN» ФОЛИБЛАРИ

Жанубий Кореянинг Жежу шаҳрида таэквондонинг WTF йўналиши бўйича «Korea Open» мусобақаси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондан 30 нафар спортчи иштирок этди. Турли ёш тоифасида ўтказилган мусобақада ўзбекистонлик таэквондочилар 10 олтин, 6 кумуш ва 6 бронза медални қўлга киритди.



Ҳамюртларимиздан Нурлан Бойхўжаев, Зафарбек Каримов, Шахзод Жўраев, Улугбек Рашидов, Жасурбек Жайсун, Нажмиддин Қосимхожиев, Фариз Маҳмуди, Гулҳумор Содикова, Моҳинабону Аҳадова ва Саидмуродхўжа Тоҳирхўжаев «Korea Open» голиби бўлишди.

Қайд этиб ўтиш лозимки, ушбу мусобақага таэквондонинг ITF йўналишидан танлаб олинган 5 нафар спортчи ҳам жалб этилган. Улар WTF йўналишида ҳам муваффақиятга эришди. Моҳинабону Аҳадова ва Саидмуродхўжа Тоҳирхўжаев олтин медал билан тақдирланди. Оятуллох Ақромов ҳамда Муҳаммадрашод Ақромов кумуш, Иброҳим Ниғмонов бронза медалига сазовор бўлди.

13 Ёшли ҲАМЮРТИМИЗ...

БААнинг Шаржа шаҳрида шохмат бўйича Sharjah Summer Championship — 2018 турнири бўлиб ўтди. Шохматнинг стандарт йўналишида ўтказилган мусобақада 13 давлатдан 102 нафар иштирокчи голиблик учун дона сурди. Швейцарча тизимда 9 турдан иборат мусобақада ўн уч ёшли ҳамюртимиз Азиз Салаев 7 очко ва 2 дуранг натижа (8 очко) билан мусобақа голиби бўлди.

Шахбоз САИДОВ

БУГҲУН	Об-ҳаво маълумоти	(°C)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	+23/+36	
Бухоро ва Навоий вилоятлари	+23/+37	
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	+22/+37	
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+25/+38	
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	+22/+36	
Тошкент шаҳри	+20/+35	

ИБРАТ

«ГЎЗАЛЛИК ҲОКИМИЯТИ»

Хотин-қизларимизнинг ўзи ҳам, кийиниши ҳам, дунёқараши ҳам гўзал, илми юқори, маънавияти юксак бўлса, ишонинг, дунё гўзал, ҳаёт ширин бўлади, деган экан бир донишманд. Бугун мамлакатимизда ана шундай эзгу ният йўлида кўп ишлар қилинмоқда. «Хотин-қизларимизни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустақамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон ижроси доирасида янги ташаббуслар илгари сурилмоқда.

«Гўзаллик ҳокимияти» республика косметологлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ассоциацияси бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда пойтахтимиз хотин-қизлари учун косметология ўқув курсида имтиёзли ўқувларни ташкил этишни режалаштирган. Қуни кеча ушбу ўқув курси бошланиши олдидан «Bazis Medic» эстетик тиббиёт косметология нодавлат таълим муассасасида ўқув иштирокчилари учун семинар ташкил этилди.

— Ўқув муассасамизда тўрт нафар мутахассис хотин-қизларга косметология сир-асрорларини ўргатиб келмоқда. Бизга тўғридан-тўғри мурожаат қилув-

чилардан ташқари, эҳтиёжманд оилалар фарзандлари, имконияти чекланган хотин-қизлар маҳалла фуқаролар йиғинларининг тавсияномасига кўра имтиёзли равишда ўқитилади. Улар касб ўрганади, иш билан таъминланади. Ушбу семинарни ташкил этишдан асосий мақсад уй бекалари, вақтинчалик ишсиз бўлган хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшишдир, — дейди «Bazis Medic» нодавлат таълим муассасаси раҳбари Нилуфар Муродова.

Мафтуна МИРЗАХЎЖАЕВА

РЕКЛАМА

ЗАВОД «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА» ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:



- ▶ Автокраны — 16, 25, 32, 50 т.
- ▶ Краноманипуляторы — 3, 5, 10 т.
- ▶ Ямобуры.
- ▶ Автовышки — 11, 18, 22, 28, 31м.
- ▶ Самосвалы — 3т, 4.5т, 9т.

ГАРАНТИЯ
1 ГОД

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент.
Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61.
Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.

E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

Товары сертифицированы.

ЭЪЛОН

КАРАКАЛПАКСКИЙ ФИЛИАЛ ООО «АГРОСАНОАТ МУЛК МАРКАЗИ» СООБЩАЕТ

27 августа 2018 года в 15.00 в городе Нукусе проводятся открытые аукционные торги, на которых в порядке последовательного роста начальных цен выставляется на продажу:

автотранспортное средство принадлежащее Каракалпакскому отделению Национального банка ВЭД Республики Узбекистан:

— автомашина марки «Газ 322132-288», 2013 года выпуска, гос.номер 95/164ХАА. Начальная цена — 45000000 сумов.

Прием заявок от желающих участвовать в аукционных торгах производится с 9.00 по 18.00 ежедневно, кроме субботы и воскресенья. Прием заявок прекращается 24 августа 2018 года в 16.00.

Покупатель вносит залог не менее 15 процентов от первоначальной стоимости заявленного имущества на р/с 20208000204970498001, МФО 00585, ИНН 207145085 Каракалпакского филиала ООО «Агросаноат мулк маркази» в АК «Турон» банк.

Информацию об объектах, выставленных на торги, можно получить по адресу: г.Нукус, улица А.Темур, дом — 122а. Телефон для справок: (0-361) 222-55-84.

Удостоверение 006388-11

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Muslihiddin

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Ulug'bek VAFOYEV

MUHIDDINOV

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Saidkamol XODJAYEV

Ochilboy RAMATOV

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va mуроjaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-38-55, 233-47-80.

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba, shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

G — 738, 6978 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:07.

Topshirilgan vaqti — 23:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Nabvatchi:
Obididdin MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633



Газетанинг электрон саҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 3 5 6